



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 120 (11.181)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманган санъат коллежида Ўзбекистон «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида «Ёшлар—таянчимиз, ишончимиз ва келажагимиз» мавзуида кўша кўрғазма ташкил этилди. Унда юртимиз ёшларининг илм-фан, спорт, ижтимоий соҳада эришган ютуқлари акс эттирилган фотолойха намойиш этилди.

● Андижонда «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» Республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Республика маънавият-тарғибот маркази, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ ҳамда «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилган танловда худудий босқичларда голибликни қўлга киритган воизлар иштирок этди.

● Жорий йилнинг ёз фаслида Сурхондарё вилоятидаги оромгоҳларда 10900 нафар бола хордик чиқаради. Улардан 4300дан ортиги ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобига bepул дам олиша, колганларини шаҳар ва туман ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси, фермерлар ва тадбиркорлар қўллаб-қувватлашади.

● Шўртан газ-кимё мажмуаси жамоаси ташаббуси билан туман тиббиёт бirlашмасининг турғуқхона бўлими учун 50 ўринли янги бино қурилиши бошланди. Лойиха қиймати 850 миллион сўм бўлган икки қаватли ушбу янги турғуқхона биносини Шўртан газ-кимё мажмуасининг бюртмасига асосан «Қашқадарёзовур» қурилиш бирлашмаси қурувчилари бунёд этишмоқда.

● Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги Ҳазорбоғ қишлоғининг 30 нафар фуқароси маҳаллий тадбиркор Турум Мўминон томонидан очилган «Семурғ Оқуши» паррандачилик фабрикасида иш билан таъминланди.

● Тадбиркор Зариф Нарзуллаев Янгиердаги «Полимер бинокор» масъулияти чекланган жамиятидаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда целлофан чиқиндиларидан полимер томёкчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Корхонада ҳозирда кунига 200 квадрат метр энгил, арзон ва сифатли томёкчи ишлаб чиқаришмоқда.

● Термиз парранда фабрикаси ОАЖ Сурхондарё пархез маҳсулотлар тайёрлашнинг марказига айланмоқда. Жумладан, жорий йилнинг тўрт ойи давомида бу ерда 1,5 миллион дона тухум ва бир неча ўн тонна парранда гўшти тайёрланди. Инкубаторда очирилган 100 минглаб зотдор жўжалар аҳоли, фермер ва деҳқон хўжаликларига етказиб берилди.

● Жиззаҳ вилоятининг 138 та савдо пунктларида чорвадор ва фермерлар учун омухта ем ва шулжа тайёрлаш йўлига қўйилган. Энг муҳими, ушбу жуда зарур маҳсулотлар мижозларга қатъий ўрнатилган нархларда сотилмоқда.

ЖАҲОНДА

● Бельгиянинг Брюссел шаҳрида бўлиб ўтадиган Европа Иттифоқи —ОПЕК саммитида Европани нефть бозор хавфсиз тарзда таъминлаш ва энергия элтувчиларга нархларнинг ошишини жилловлаш масалалари кўриб чиқилди.

● Фарбий Африка мамлакатлари раҳбарлари Европа Иттифоқи билан эркин савдо худудини ташкил этиш таклифи билан чиқдилар.

● Боливиянинг Тариха музофоти аҳолиси ўтказилган референдумда мухториятни ёқлаб овоз берди. Бирок ҳукумат ушбу савдо «Конституцияга қарши ва ҳуқуқий қучга эга эмас», деб эълон қилди. Таъкидлаш жоизки, Боливиянинг яна учта музофоти мухторият эълон қилиш юзасидан референдум ўтказди.

● Австрия пойтахти Вена шаҳрида 40 дан ортиқ давлат вакиллари иштирокида Фаластин қочқоқлари учун бошлана бўлган ва ўтган йили Ливан армияси ва лагердаги жангарилар ўртасида юз берган тўқнашув натижасида бутунлай вайрон бўлган Ливан шимолидаги «Нахр ал-Бадрэд» лагерини қайта тиклашга бағишланган халқаро муассислар конференцияси бўлиб ўтди.

● Чеченistonнинг ривожлантириш мақсадида Россия Федерациясининг федерал бюджетидан 120 миллиард рубл миқдорига маблағ ажратилади бўлди.

● Ироқнинг Бакуба шаҳрида камикадзе аёлининг ўзини портлатиб юбориши оқибатида 10 киши ҳаётдан кўз юмди, 35 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● АҚШнинг йирик «Ситигрупп» банки 6500 нафар ходимини ишдан бўшатади. «Рейтер» ахборот агентлигининг хабарига кўра, банкнинг иккита бўлими бирлаштирилиши сабабли ходимлар сони қисқартирилади.

● Чили ўз худудий сувларида китларни овлаш учун доимий тақиқлов эълон қилди.

● Кеча Доғистоннинг Махачқалъа шаҳрида Буйноқ шаҳар милиция бўлими бошлиғи полковник М.Алиев ўз машинасида номаллум кимсалар томонидан отиб ўлдирилди. Ушбу қабих жиноят ижрочиларини ушлаш мақсадида шаҳарда «Қўлга олиш» операцияси амалга оширилмоқда.

● Украинанинг Львов областида қучли ёмғир билан бўрон юз бериши оқибатида 4 киши ҳаётдан кўз юмди. Қўллаб дарахтлар қулади, қўчаларни сув босди, томлар вайрон бўлди.

ОЗОД ВА ОБОД ЮРТДА САОДАТЛИ ЯШАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ
КАРИМОВ 20-21 ИЮНЬ КУНЛАРИ
БУХОРО ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИДА БЎЛДИ.

Давлатимиз раҳбарининг амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, бунёдкорлик ишлари ва кенг қамровли ўзгаришлар билан жойларга чиқиб танишиши яхши анъанага айланган. Бундай сафарлар янгиланишлардан бевосита хабардор бўлиш, ислохотлардан манфаатдор оқддий одамлар билан ўраш-иш, уларнинг фикр-мулохазаларини эшитиш, мавжуд муаммоларни жойида муҳокама қилиш ва ҳал этиш, бу борада мутасадди ва мутахассисларга зарур тавсия ва топшириқлар бериш имкониятини яратди.

Ўртбошимизнинг Бухоро вилоятига ташрифи асосида Бобкент туманидаги «Хусен Болта замини» фермер хўжалиги далаларида бўлиб, бир гуруҳ фермерлар ва вилоят фаоллари билан ўрашгани, Бухоро шаҳри марказини янгидан бунёд этиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишгани гоёт катта аҳамият касб этди.

Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятига сафари ҳам самимий мулоқотларга бой бўлди. Мамлакатимиз раҳбари давлатва Қарши шаҳридаги «Геолаг» стадиони негизда қайта қурилган Маданият ва спорт-оғлоштириш марказини бориб кўрди. Бу ерда нақсон спортчилар, уларнинг мураббийлари, шунингдек, шаҳардаги маҳаллаларнинг вакиллари билан суҳбатлашди.

Шу кунларда юртимизнинг барча худудлари катори Қашқадарё вилоятида ҳам галла ўрним-ийғими кизгин давом этмоқда. Деҳқонлар йил бўйи қилинган заҳматли меҳнат маҳсулини уйлаётган юксак хирмонларида кўрмоқда. Президентимиз вилоятга ташрифи давомида дала ишлари билан танишди.

Ерни боксанг, ер ҳам сени боқадди, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, ер ҳақиқий парваршишга, деҳқон меҳрига эҳтиёж сезади. Ерга меҳрини берган ва унинг тилини биладиган деҳқон бунчи яхши тушунади. Шунинг учун давлат томонидан фермерликни ривожлантириш, экин майдонларини тажрибали ва ишбилармон деҳқонларга ишониб топшириш учун кенг имкониятлар яратилди. Ҳозир вилоятдаги фермерлар сони 27 мингдан ошди. Уларнинг 15 мингдан ортиғи галлачилик билан шуғулланоқда.

Ислом Каримов ана шундай илгор фермерлардан бири — Қарши туманидаги «Шоҳрух Эшқулов» фермер хўжалигида бўлди.

Суннат Шерқулов раҳбарлик қилаётган мазкур фермер хўжалиги тасарруфида 36 гектар ер мавжуд. Шунинг 20 гектарида галла етиштирилди. 16 гектарида эса гўза парваришланмоқда. Фермер галла ҳосилдорлигини 60 центнерга етказишни кўзламоқда.

Ўртбошимиз фермер ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан мулоқот чоғида галла ҳосилдорлигини оширишда сара навларнинг аҳамияти ҳақида тўхтади.

— Ҳар қайси вилоят, ҳар бир худуд иқлими ва тупроғига мос янги, энг мақбул навларни яратиш, четдан келтирилган навларни эса шароитга мослаштириш ва изчил ўзлаштириб бориш керак, — деди Ислом Каримов. — Айниқса, Қашқадарё вилоятида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш таябб этилади. Чунки Қашқадарё замини - галла қони. Вилоят юртимиз галла мустақиллигини мустаҳкамлашда, бутун Ўзбекистонимизни галла билан таъминлашда муҳим ўрин тутди. Шу боис, бу ерда селекциячиликнинг янги, сифатли ва ҳосилдор навлар яратиш устида изланишлар олиб борадиган узуқсиз тизимини яратиш даркор.

Мамлакатимиз раҳбари мазкур масаланинг гоёт муҳим эканига эътиборни қаратди, бу борада тегишли ҳужжат қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Қашқадарё вилояти бугун дон, ун ва ун маҳсулотларини нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам чиқармоқда. Харидорлар орасида Тожикистон, Афғонистон, Эрон каби мамлакатлар бор. Вилоятда бу йил 750 минг тоннадан зиёд дон етиштириш, жумладан давлатта 379 минг тоннадан ортиқ галла сотиш учун барча куч сафарбар этилган. Бунёд этилаж хирмон фермерлар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг бугунги сай-ҳаракатларига боғлиқ. Шу

боис ўрним-ийғимни уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча имкониятлар ишга солиноқда.

Галла ўрним-ийғими давом этаётган шу кунларда вилоятдаги юзлаб фермер хўжаликлари шарнома мажбуриятларини бакарди. Бу йил мавсумда 400 дан ортиқ комбайн ишламоқда.

Айни пайтда 175 минг 840 гектар ерга экилган гўза парвариши алоҳида эътиборда. Бугунги муҳим вазифа агротехника тадбирларини тулиқ ва ўз вақтида ўтказиш, гўзани вақтида ва тежамли суғоришни ташкил этишдан иборат.

Қарши туманидаги «Ҳасанов Парда» фермер хўжалиги раҳбари Парда Ҳасановнинг айтишича, жорий йилда хўжалик тасарруфидаги 30 гектар майдоннинг ярмида галла етиштирилган.

Президентимиз мазкур хўжалик дала шийонида вилоятнинг илгор фермерлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутасаддилари ва мутахассислари, тадбиркорлар билан ўрашди. Самимий мулоқот чоғида, аввало, вилоятда етиштирилган галла хосилини нест-нобул қилмай йиғиштириб олиш, шунингдек, гўза парваришига жиддий эътибор қаратиш хусусида сўз борди. Ўртбошимиз илгор фермер П.Ҳасановга «Дамас» автомобибли совға қилди.

Ислом Каримов фермернинг мулкдор сифатида ўз оиласи, маҳалласи, қишлоғидаги ҳаёт тарзи янада фаровонлашиши, юртининг бундан ҳам обод бўлишидаги иштироки муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Ҳозирги давр фермерлар нафақат иқтисодий, балки сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этишини тақозо этмоқда, — деди Ўртбошимиз. — Бошқача айтганда, Олий Мажлисда, маҳаллий Кенгашларда фермерлар ишониб сайланган вакиллари уларнинг ютуқ ва муаммоларини яхши билиши, манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиши даркор.

Давлатимиз раҳбари одамларнинг, айниқса қишлоқ ақлининг турмуш даражасини янада яхшилаш, маънавиятини юксалтириш, хусусан, ёшларимизга ҳар томонлама ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш зарурилиги ҳақида сўзлади.

— Ота-онанинг бурчи фарзандни боқиб, қийинтириш, вояга етказиб, уйли-жойли қилиш билан чекланмайди, — деди Ислом Каримов. — Фарзандларининг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишдек улкан масъулият ҳам бор. Мана шундай овоз ва обод Ватанда, тинч-осойишта юрда бахтли ва фаровон ҳаёт кечириш ҳар биримизнинг ўзимизга — фаол сай-ҳаракатимизга, ҳалол меҳнатимизга эзгу интилишларимизга боғлиқ.

Президентимиз билан ўрашув чоғида Косон туманидаги «ФАМ» фермер хўжалиги бошлиғи Амир Файзиев, Фузур туманидаги «Ферузбек Абдусамат» фермер хўжалиги раҳбари Раъно Жонқувватова, Китоб туманидаги «Севаз-Андроникс» фермер хўжалиги раҳбари Алишер Бойқороев ва бошқалар мамлакатимизда фермерлик ҳаракати ташкилий, техник ва молиявий жиҳатдан изчил такомиллаштириб бораётгани, фермерларнинг даромади йилдан-йилга ортиб, ўзларини чин маънода мулкдор деб ҳис этаётгани, бундай юксалишларнинг барчаси Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг самараси эканини таъкидлади. Мамлакатимиз тарақиёти, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Ватанимиз обрў-эътиборини ҳар томонлама юксалтиришдек масъулиятли ва шарафли ишларнинг бошида турган Ўртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Президент Ислом Каримовнинг Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига сафари давомидаги ўрашув ва мулоқотлар бугун мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, шаҳар ва қишлоғи тарақиёт ва юксалиш йўлига тушиб олганлигини яна бир бор намоён этди. Зотан, Ўртбошимизнинг «Биз ҳеч қилдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!» деган сўзларини дилига жо қилган халқимиз барча жаҳалларда бунёдкорлик ишлари билан машғул.

Фулор МИРЗО,
Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
ЎЗА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

СУД ҚОНУЧИЛИгини ДЕМОНСТРАТИРЛАШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СУД ТИЗИМИ МУСТАҚИЛЛИгини ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда Ўзбекистонда суд-хуқуқ тизимини демократлаштиришга, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштиришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни пухта ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мамлакат Конституциясида акс эттирилган принципларга мувофиқ жинсий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқинча-босқич либераллаштирилди, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди, натижада озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо

қўлланилган шахслар салмоғи 2007 йилда 2000 йилга нисбатан икки баравардан кўпроқ қисқарди.

Умумий юрисдикция судларининг иختисослаштирилиши одил судлов сифатини оширишга имкон берди. Ишларни қўриб чиқишнинг апелляция (шиқоят) тартиби жорий этилиши суд процес-

си иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишида қўшимча қафлат бўлди, ярашув институтининг киритилиши эса, кейинги етти йил ичида салкам етмиш минг кишига нисбатан жинсий таъқиб тугатилиши учун имкон берди.

Жорий йилнинг биринчи январидан эътиборан Ўзбекистонда

ўлим жазоси бекор қилинди, қамқоқ олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг самарали, замонвий демократик принципларга асосланган тизими яратилди.

(Давоми 2-бетда).

СОЛИҚ ВА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТ

ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ, БАРЧА СОҲАЛАРДА БЎЛГАНИ СИГНАРИ, ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТАЛАРИНИНГ СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИГА ҲАМ ЖАДАЛ ҚИРИБ КЕЛМОҚДА. БУ БОРАДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ "ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО ТЎҒРИСИДА"ГИ ВА "ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНЛАРИ МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида мазкур қонунларнинг ижросини таъминлашга қаратилган ўндан ортиқ меъриёв ҳужжат ва дастур ишлаб чиқилган. Соҳада ахборот тизимлари ва ресурслари яратилгани электрон ҳужжат алмашилувини йўлга қўйиш имконини берди. Солиқ тўловчиларга интерактив хизмат кўрсатиш кўлами тобора кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизматидан маълум қилишларича, мазкур жараёнда солиқ сирини тўла таъминланади. Солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар интернет тармоғидаги махсус сайт — www.soliq.uz да амалга оширилади. Бу ўз навбатида солиқ тўловчилар учун жуда қулай бўлиб, ортиқча вақт ва сарф-ҳаражатларнинг олдини олади, тезкорлиқни таъминламоқда.

Масалан, солиқ тўловчи бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга оид ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида ахборот олмақчи бўлса, интернет орқали бу ҳақда сўровнома юбориши мумкин. Давлат солиқ қўмитасининг марказий серверига тушган сўров солиқ тўловчи рўйхатдан ўтган туман солиқ инспекциясига юборилади. Туман солиқ инспекциясида мазкур солиқ тўловчининг бюджет ва мақсади жамғармалар билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги солиқ шартнома даволатнома автоматлаштирилган тартибда расмийлаштирилади ва солиқ тўловчига интернет орқали юборилади.

Солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтказишга оид аризаларни қабул қилиш ва шахсий тартиб рақамларини беришда рўйхатга олувчи органлар белгиланган шаклда сўровни кўришга юборилади. Мазкур сўров асосида ушбу тадбиркор-

лик субъектига шахсий тартиб рақами берилиб, бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органга ва туман солиқ инспекциясига маълумот юборилади. Бунинг учун илгаригидек ҳафталар-ойлар эмас, кўли билан 15 дақиқа кетади, холос.

Эндиликда солиқ тўловчи юридик шахсларга оид текшириш режа-жадвалнинг матбуотда эълон қилинишини кутиши шарт эмас. Қўмитаниннг сайтига мурожаат қилса бас, тегишли қорхонаниннг қачон, қайси назорат идораси томонидан текширилишига оид маълумотни шу заҳоти олиш мумкин.

Солиққа оид ҳисоботларни электрон тарзда қабул қилиш ва қайта ишлаш интерактив хизматининг 2006 йилдан бундан амалга оширилмоқда. Бу эса вақт ҳамда ортиқча харажатни тежаш имконини бериб, барча ҳисоботларнинг тўғри топширилишини назорат қилиш имконини беради.

Солиқ тўловчи юридик шахсларнинг молия ва солиқ ҳисоботларини электрон ҳужжат кўринишида шакллантириш ва жўнатилган электрон ҳужжатларнинг мажбурий реквизитларидан бири — электрон рақамли имзодир. Zero, электрон ҳужжатнинг юридик қучга эга бўлиши учун у электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши шарт. Электрон имзони олиш учун эса давлат солиқ қўмитасининг янги технологиялар илмий ахборот марказига ариза берилса, бас.

Ҳозир мамлакатимиз солиқ тизимининг бундай қулай ва замонавий хизмат турларини ҳисомий шахсларга ҳам жорий этиш борасидаги ишлар давом этмоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Ушбу «Олтин соябон» мукофоти суғурта соҳасини ривожлантириш борасида ҳар йили бериладиган жамоатчилик мукофотиридир. Суғурта соҳасининг етук мутахассислари, шунингдек, йирик ижтимоий компаниялар раҳбарлари томонидан ишлаб чиқилган мезонлар унинг асосини ташкил қилади. Танлов Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик, Ўзбекистон Республикаси Молия вазири-

Ўзбекистон суғурта бозорининг иштирокчилари ва мазкур бозорда фаоллик билан фаолият олиб бораётган ОАВ, шунингдек, фаолиятининг мазкур соҳасида ўзини алоҳида намоён этган шахслар «Олтин соябон» мукофотида даъвогарлик қилишлари мумкин. Қолибларга «Олтин соябон» мукофоти ва суғурта соҳасидаги «Олтин соябон» мукофоти совриндори дипломи топширилади.

СУГУРТА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

«SAIPRO» КОМПАНИЯСИ, ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БОСМА ОАВ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАШТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ, ЎЗБЕКИСТОН СУГУРТА БОЗОРНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЮШМАСИ СУГУРТА СОҲАСИДА ЖАМОАТЧИЛИК МУКОФОТИНИ ТАЪСИС ЭТДИ.

лиги ҳузуридаги Давлат суғурта назорати инспекцияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон суғурта бозорининг етук профессионал иштирокчилари кўмағида ўтказилди.

«Олтин соябон» мукофоти мамлакатда суғурта ривожини жадаллаштиришга қаратилган бўлиб, мамлакатимиз суғурта бозори профессионал иштирокчилари сай-ҳаракатларини бирлаштиришга, республика тадбиркорлари ва аҳолиси онгиде замонавий суғурта маданиятини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратишга, мамлакатимиз суғурта бозорига замонавий маҳсулотларни олиб киришга, суғурта иши соҳасидаги энг яхши ютуқларнинг ахборот жихатдан кенг қўллаб-қувватлишини таъминлаш йўли билан мамлакатимиз суғурта бозорининг оқиш-ошқоралигини таъминлашга ҳамда Ўзбекистон суғурта бозорининг иштирокчилари ўртасида тадбиркорлик ва маданий алоқаларни ривожлантиришга сафарбар этилган.

Жорий йил ушбу мукофот кўйидаги асосий номинациялар бўйича берилади: «Суғурта фаолиятини ривожлантириш динамикаси бўйича етакчи компания», «Энг яхши инновацион суғурта маҳсулоти», «Суғурта бозорининг ахборот жихатдан очик профессионал иштирокчиси».

Шахсий номинациялар: «2007 йилнинг суғурта бозори профессионал иштирокчилари раҳбари», «Суғурта бозори профессионал иштирокчисининг энг яхши мутахассиси», «Суғурта иши бўйича фани ривожлантиришда ва мутахассислар тайёрлашда шахсий қўшган ҳиссаси учун».

Кўшимча номинациялар: «Суғуртани ривожлантириш ва оммалаштириш», «Ўзбекистон суғурта бозори халқаро алоқаларини ривожлантириш».

Бу мукофотнинг ташкил қилиниши суғурта соҳасини янада ривожлантиришга, хали шунча солинмаган имкониятлар ашигини очишга яна бир туртки бўлади, десақ адашмаймиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА

МАТБУОТ РИВОЖИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА МЕДИА-БИЗНЕС ЮРИТИШ АСОСЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

У Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор ташкилотлар вакиллари, жўртимиздаги босма оммавий ахборот воситалари бош муҳаррирлари, масъул котиблари, маркетинг ва реклама хизмати ходимлари, олий ўқув юртинларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Х.Акимов, «Uzbekistan Today» газетаси бош муҳаррири Р.Оқонов, «Солиқ ва боғона хабарлари» - «Налоговые и таможенные вести» газеталари бош муҳаррири М.Перпер ва бошқалар жўртимизда босма оммавий ахборот воситаларининг теъдор, эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча имконият ва шароит яратилганини алоҳида таъкидлади. Бу эса миллий медиа-бозорининг жадал ўсиши, насларнинг ихтисослашуви, ўз ўқувчисига эга бўлиб боришига хизмат қилмоқда.

Ҳозир жўртимизда мингга яқин газета, журнал, интернет нашр, юздан ортиқ телерадиостанция, бир неча ахборот агентликлари фаолият кўрсатмоқда. Улар фаолиятининг иқтисодий мустақил ва молиявий барқарор кечиши, фойда келтирувчи бизнес-тузилмага айланиши оммавий ахборот воситаларининг ўз олди-га қўйган мақсад-вазифаларни муваффақиятли амалга оширишида муҳим ўрин тутди.

Айни пайтда ҳар бир медиа-тузилма рақобатга асосланган ахборот бозорига мустахкам ўринга эга бўлиши учун ўз фаолиятини янада такомиллаштириши, молиявий-иқтисодий мустақиллиги ва барқарорлигини изчил таъминлаши зарурлигини даврининг ўзи талаб этмоқда. Бу эса босма ва интернет оммавий ахборот воситалари тахриратларида медиа-бизнес юристининг асосий талаби бўлган мукамал иқтисодий-молиявий, менежмент стратегиясини ишлаб чиқиш, маркетинг хизматини пухта йўлга қўйиш билан боғлиқдир.

Семинар иштирокчилари жўртимиздаги ахборот бозорининг ўзига хос томонлари, оммавий ахборот воситаларининг рақобатбардошлигини мустахкамлашга кўмаклашиш, медиа-бизнес юристининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари, маркетинг ва реклама тизимини шакллантиришга оид масалаларни атрофлича муҳокама этди.

Тадбирда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг лойиҳа-гранти асосида нашр этилган «Босма оммавий ахборот воситаларида медиа-бизнесни юриштиш асослари» қўлланмасининг тақдироти бўлиб ўтди.

СУВ РЕСУРСЛАРИ ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

МУТАХАССИСЛАР МАЪЛУМОТИГА КўРА, БУГУНГИ КўНДА САЙЁРАМИЗДА РўЙ БЕРАЁТГАН ИҚЛИМ ИСИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР АТРОФ-МУҲИТ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ЖИДДИЙ ЗАРАР ЕТКАЗИШИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА АҲОЛИНИНГ ИЧИМЛИК СУВИГА БўЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҲАМ ТОБОРА ОШИРМОҚДА. БУ ЯНГИ ЕР ОСТИ ЧУЧУК СУВ МАНБАЛАРИНИ ИЗЛАБ ТОПИШ, ҲАМОНАВЛИК ВА ОБИҲАЁТ ЗАҲИРАЛАРИ ИФЛОСЛАНИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЁТГА ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИШНИ ТАҚОЗО ЭТАЁТИР.

Пойтахтимиздаги Гидрогеология ва инженерлик геологияси илмий-тадқиқот институтида ер ости сувларидан фойдаланишнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишлаб ташкил этилган илмий-амалий анжуманда ана шу ҳақда гап борди. Унда тегишли вазирилк, кўмита ва идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси раиси Н.Мавлонов мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятимизнинг барча жаҳалларида олиб борилаётган ислохотлар жараёнда табиий ресурсларни тежаш, атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтириш, соф ривожланишга хизмат қиладиган илм-фан янгилликларидан амалда оқилона фойдаланишга қаратилган эътибор ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Ана шу йўналишда ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган вазифалар босқичма-босқич амалга оширилаётгани тўғрисида жўртимиздаги ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган жойларга алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудуд мақоми берилди. Ҳозир ушбу ҳудудларда табиий муҳофазада идоралари ходимлари ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси мутахассислари мунтазам равишда кузатув ишларини олиб бормоқда.

Гидрогеолог олимларимиз ва мутахассисларимиз томонидан олиб борилаётган кенг кўламли илмий изланишлар эса янги обихаёт заҳираларини излаб топиш, ўзлаштириш, ер ости сувларининг ифлосланиши олдини олишга хизмат қилаётди. Ана шундай изланишлар натижасида ўтган йилнинг ўзида қирқдан кўпроқ аҳоли яшаш жойида ичимлик суви манбалари топилди. Илмий тадқиқотлар натижасида кашф этилган юзга яқин минерал суви заҳирасидан эса кўнига 36 минг куб метргача шифобахш суви олинмоқда.

Анжуманда ер ости сувларининг шаклланишини ўрганиш, гидрогеология ва инженерлик геологияси услубларини янада такомиллаштириш, чучук суви манбалари ифлосланишининг олдини олиш, бу жараёнда географик ахборот тизимлари асосидаги илгор технологиялар имкониятларидан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

ЎЗА

2008 — Ёшлар йили

ОИЛА — МЕҲР-МУҲАББАТ МАСКАНИ

ҚАДИМДАН ОИЛА МЕҲР-МУҲАББАТ, БИРДАМЛИК, ТОГУВЛИК МАСКАНИ ҲИСОБЛАНАДИ. ШУ БОИС ОИЛАНИ —МУҚАДДАС ҚўРҒОН ДЕБ АТАЙМИЗ, БУ ҚўРҒОН МЕҲР-ОҚИБАТ ВА АҲИЛЛИК ИЛА МУСТАҲКАМ ВА БАХТИЁР БўЛАДИ.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Чилонзор туман ҳокимлиги, хотин-қизлар

лари ташриф буюрдилар. — Соғлом фарзанд соғлом оиладагина дунёга келади. Шу боис ёшлар ўртасида соғлом оила тушунчасини тарғиб этиш, улар саломатлиги, бир-бирига тиббий ва жисмоний жиҳатдан мослигини ўрганиш катта аҳамият касб этади деган ақидаларга амал қилган ҳолда баалоғат ёшига етган ва мустақил ҳаётга қадам қўётган йи-



қўмитаси, туман ФХДЭ бўлими, «Наврўз» никоҳ уйи, Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти, туман «Оила» маркази, «Камолот» ЕИХ туман бўлими, шаҳар 2-перинатал маркази, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда тасдиқланган Дастур ва режа асосида ҳар ойда бир маротаба «Оила — муҳаббат касри» деб номланган ёш оила қувчилар мактабининг ўқув ма-

литари ташриф буюрдилар. — Соғлом фарзанд соғлом оиладагина дунёга келади. Шу боис ёшлар ўртасида соғлом оила тушунчасини тарғиб этиш, улар саломатлиги, бир-бирига тиббий ва жисмоний жиҳатдан мослигини ўрганиш катта аҳамият касб этади деган ақидаларга амал қилган ҳолда баалоғат ёшига етган ва мустақил ҳаётга қадам қўётган йи-

қўмитаси, туман ФХДЭ бўлими, «Наврўз» никоҳ уйи, Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти, туман «Оила» маркази, «Камолот» ЕИХ туман бўлими, шаҳар 2-перинатал маркази, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда тасдиқланган Дастур ва режа асосида ҳар ойда бир маротаба «Оила — муҳаббат касри» деб номланган ёш оила қувчилар мактабининг ўқув ма-



шуғулоти ўтказиб келинмоқда. Яъни Чилонзор туманида мазкур ёш оила қувчилари мактаби 2007 йил сентябрь ойидан бошлаб фаолият кўрсатиб, айни кўнда иккинчи ўқув йилини ақуналамоқда. Мактаб тингловчилари Чилонзор туманидаги 11 та касб-ҳунар коллежи, академик лицейларнинг баалоғат ёшига етган талабалари ва туман ФХДЭ бўлими ҳамда «Наврўз» никоҳ уйига ариза берган никоҳланган бўсағасидаги 200 дан ортиқ йигит-қизлардан иборатдир. Яқинда Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида 2008 — Ёшлар йили муносабати билан «Оила — муҳаббат касри» деб номланган Чилонзор туман жамоатчилик асосидаги оила саводхонлиги мактабининг иккинчи ўқув йили якуний машғулоти бўлиб ўтди. Машғулотга тумандаги Тошкент Педагогика коллежи ва Республи-ка тиббиёт коллежи ўқувчи қиз-

гит-қизлар ўртасида оила саводхонлиги тарғиботини юксалтириш, уларнинг маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий ва ҳаётий билимларини ошириш, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг оила қуришдаги ва мустақамлигини таъминлашдаги муаммолар ечимини топишга ўргатиш, шунингдек, ёшлар орасида миллий ғоя, урф-одатлар ва аъналаримизни қадрлаш, оиланиннг муқаддас кўрғон эканлигини тушунириш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш мактаб фаолиятининг асосий мақсадини ташкил этади, деди тадбирда сўзга чиққан Чилонзор туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Муаттар Содиқова.

Айтиш жоизки, йил давомида мазкур мактабининг 10 та машғулоти бўлиб ўтган, унда 32 та маъруза ва сўхбатлар, учта амалий машғулоти, 8 та баҳс-мунозаралар ўтказилган.

Якуний машғулотга Чилонзор туманида истиқомат қилувчи икки нафар ибратли оила соҳиблари ҳам тақлиф қилиниб, улар ёшларга ўзларининг босиб ўтган ҳаёт йўллари, оила аталмиш муқаддас кўрғоннинг тинч ва тотувлигини таъминлаш, узок ва бахтли ҳаёт кечириш учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида ўз ҳаёт тажрибаларидан сўзлаб бердилар ва қизларнинг берган саволларига тўлиқ жавоб кайтардилар. Тадбир сўнггида мактабининг фаол ўқувчи ёшларига сертификатлар топширилди.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: якуний ўқув машғулотдан лавҳалар.

ҲАЛОҚЛИК

Даврада ўн чоғли киши ўтирардик. Сўхбат мавзуи ҳалоллик устида борарди. Шунда ҳам-сўхбатларимиздан бири бошидан ўтган бир воқеани айтиб берди.

— Отамиз, — деди у, — тўсатдан вафот этдилар. Падаримизнинг сўнгги сўзларини эшитолмай қолдик. У киши узок йиллар савдо-сотик билан шуғулланганликлари учун баъзи бировларда олди-бердилари бормиди билолмадик. Отамизнинг яқин таниш-билишларидан шу ҳақда сўраб-суриштирдик. Ҳеч ким ҳеч нарса демади. Нима бўлса бўлар энди деб охирини кутиб юрардик. Кейин билсак падаримизнинг бировлардан қарзлари йўқ эканку, лекин ўзгалардан оладиганлари бор экан. Орадан маълум муддат ўтиб шундайлардан уч-тўрт киши бизни йўқлаб келди. Отамиз ҳақида яхши гапларни

— Раҳмат сизга. Биз мингдан мингга розимиз. Мўҳтолгимиз йўқ. Шундай бўлгач пуллари рўзгорингизга бемалол ишлатаверинг.

— Йўқ, — деди у, — бу қиёмат қарз болам. Бўйнимда кетса нариги дунёда қандай узаман. Кўзим тириклигида қутулганим яхши. Кам-қўстига сизлар рози бўлинглар.

Қанча зўрламай отахон ўртадаги пулни олмади. Фотиха ўйиб ўридан турди. Хайрлашиб чиқиб кетди. Ота қадрдоним билан борди-келди қилай десам, қаранг, шошилинч унинг манзилини ҳам сўраб олмайман.

— Шаҳар кенг. Тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашмайди. Балки қунлар ўтиб манзилни топиб оларсиз, — деди орамиздан кимдир.

— Ҳа, дунёда ўзгаларнинг ҳақидан қўрқадиган ҳалол одамлар кўп, — дея даврага яқун ясади кексалардан бири.

— Баъзи бировларнинг

да. Бундай разм солиб турсан дуврадагилар орасида қўлида сигарет тутмаган аёлнинг ўзи кўринмасди.

— Тавба, — деди бу ҳолни кузатиб ўтирган дўстларимиздан бири. Олдин эркаклар чекарди. Энди тескариси бўлгати. Эркаклар чекишни ташлаб, хотинлар унга ружу қўйгати.

Олдимизга келтирилган таомни ярим-ёрти тановул қилиб ошонгани тарк этдик.

Йўлда борялманан ўйланаман. Аёл — унинг фаршта-си, сариштаси. Хонадон ободлиги аёл билан. У биринчи навбатда она, тарбиячи. Оилада катта бўлаётган ўғил-қизлар тарбияни энг аввало онасидан, қалаверса отасидан олади. Сармаст, бунинг устига қўлида сигарет тутган онанинг бундай қилмишидан унинг фарзандлари қандай тарбия оларкин. Мана шу савол йўл-йўлақай мени ўйлантириб борарди. Аёл барибир аёлда. У ўзгаларга

айтиб, у кишидан насияга олган буюмларининг пулини ташлаб кетди.

Яқинда кечки пайт эшик кўнғироғи жиринглаб қолди. Чиқиб очсам, нотаниш, усти-боши анча абгор бир киши турибди.

— Маҳсум отаниннг уйлари шуми? — сўради у.

— Ҳа, шу, — дедим унга ҳайрон тикилиб мен.

— Сиз ўғиллари бўлсангиз қерак-а? Ҳазилга ўхшаб турибсиз.

— Кенжа ўғиллариман.

— Сизда бир-ички оғиз гапим бор эди, ичкарига кирсам майлими? — сўради.

— Кечирасиз, гап билан бўлиб сизни ҳовлига тақлиф қилишни унутибман, — дедим қижолат тортиб.

Мехмон сўрига омонатгина ўтирди. Падаримиз руҳини хотирлаб қуръон тиловат қилди.

— Кўп яхши одам эҳдида Маҳсум ота, — гап бошлади у. Одамхон, камбағалларвар эди. Биз каби бечораларнинг бошини силаб баҳоли қудрат хизмат кўрсатиб турарди. Мен отангиздан анча-мунча қарздорман бўтам. Баъзан олдиларига кириб дўхонларидан унча-мунча харид қилиб турардим. Ҳамёнимни тикилаб арзимас пул узатсам, кўпинча олмасдилар. Мен розиман. Олиб кетавер, бойиганинда берарсан дердики, аёл бир зум қараб туриб кейин ҳамманни хайратда қолдириб рақсага тушиб кетди. Гуё у хўрандалар ўтирган ошонда эмас, балки бирон-бир маданият кўшонларининг сахнасида ўйнаётгандек ер тепиб, гир-гир айланарди.

— Бошқа ошонга бораёқ бўларкан, — деди шерикларимиздан бири аёлнинг ҳеч кимни назар-писанд қилмай ҳаёсизларча ўйнаганини кўриб.

Бирок вақт ўтган эди. Хизматчи биз бурюрган таомларни олиб келиб бўлган эди. Бу шоқин-суронни эртарок тарк этиш мақсадида таом тановулни тезлаштирдик. Қийқириқ, ичкилик-бозлик авж ола бошлади. Энг ёмонни ёппасига чекиш бошлан-

ҳақида хиёнат қиладиганларга ибрат бўлар деган мақсадда ушбу хикояни тўлиқ келтирдик.

БИРНИКИ МИНГГА

Тушлик қилиш учун ошонлардан бирига кирдик. Биз билан ёнма-ён икки столи бирлаштириб, ўн чоғли ўрта ёшли аёллар ўтиришди. Стол усти турди ноз-неъматларга тўла. Улар орасида шарбатлардан тортиб, спиртли ичимликларгача бор. Анча-мунча ичиб, сармаст бўлиб қолган аёллардан бири тахминимизга тўғилини кунини шу ерда нишонлаётган эди. Даврадаги нозаниларнинг худди театр ёки кинога-отлангандек башанг кийиниб ўлганликларини шундан далолат бериб турарди. Улар ён-атрофдагилардан ўтирмай ўйин-кулгү қилишар, бир-бирларини тортиқлашар, баъзида пайроор орасида озгиларидан ноҳўя сўзлар ҳам эшитилиб турарди. — Улардан бири ўйнаб чарчади шекилли, дўгонасини ўйинга торти.

— Эй, мен бу мусиқага ўйнай олмайман, — эътироз билдирди шериги нозани.

— Айт, қанақасига чалсин?

— Шўхроғига.

Шеригини ўйинга тақлиф қилган аёл касрета қўйиб

ОЗ-ОЗ ЎТГАНИД

ДОМО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ

ФУЗУЛИЙ ХИКМАТЛАР

Яхшимидур айламак ёмон од — Ким, қилмая кимса хайр ила ёд?

Хар вақтдадур бир амр голиб, Хар аҳддадур бир иш муносиб.

Бир шишаки ўлди пора-пора, Пайвандина ҳеч борми чора?

Дунё умид тутмоқ ўлмаз, Харгиз ўлими унутмоқ ўлмаз! Хуш хонайи айшдур бу олам, Дардоки, дагил асоси маҳкам!

Дунёки нигори дилрабодур, Зинҳор инонма, бевафодур.

Кимсаки, ўзиндин ўла гофил, Бир ўзгани билмага на қобил.

МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛ

Авф эт халқдан келса яхши-ю ёмон, Адоватдан қочиб, роҳат қил, инсон! Кибру ҳасад бермас кишига ором, Одамни менсимай, қувилди шайтон.

Яхшилиқ, ёмонлик мўлу қўл бунда, Қилмишинг ҳолидан огоҳ бўл бунда. Қўлинг олу улким, қўлини олдинг, Барчанинг фойдаси қўлма-қўл бунда.

Соч оқарғач қўйдим дилним гиш-гишин, Ерга олдим ҳаво-ҳавас ташвишин. Шам равнақ топмагай отганида тонг, Пилик тортар бунда аланга учин.

Дуд ила губордир бу дунё бари.

Мансаб, ҳашам эмас, азобдир.

Ҳавас таркин этмоқ кўп маҳол бунда, Эркинлик фақат бир эҳтимол бунда. Нимага боқмайин дил бўлур асир, Кўнгил узмоқ эса, бўш ҳаёл бунда.

Сўзларингда бўлса юмшоқлик бўёк, Ёв ҳам қилур дўстлик кўзгусин порлок, Кўпол гапдан фитна ўпган чоғида, Гардан томирингдур бу жангда таёқ.

Бедил, ўзни қанча синаб кўрмадим, Лек камол даввоси дамин урмадим, Юз шукрки, одоб икболи қулиб, Ҳеч кимдан ортиқман, дея юрмадим.

Бедил, ҳамма вақт ҳам изтироб бунда, Тинчлик — ҳаёлу туш ё сароб бунда. Ҳаракатсиз бўлмас ҳатто чағ пайдо, Илдиз сувда, тупроқ бир ниқоб бунда.

ЎЗРФА асосий кутубхонаси бино томини таъмирлаш иши бўйича **ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!** М.Улугбек тумани, И. Мўминов кўчаси, 13-уй. Мўлжал. М.Улугбек ҳайкали. Тел. 262-74-08, 701-95-35.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Саида Зуннунова номли 224-мактаб томонидан 1997 йилда Зоҳидова Муножат Самадова номига берилган ОП-Д 004815 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ОСТАНАДА ЎЗБЕКЧА ФИНАЛ

ҚОЗОҒИСТОН ПОЙТАҲТИ ОСТАНА ШАҲРИДА ЎСМИРЛАР ВА ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ЎТҚАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТЕННИС ФЕДЕРАЦИЯСИ (ИТФ) МУСОБАҚАЛАРИ ТАҚВИМИДАГИ ХАЛҚАРО ТЕННИС ТУРНИРИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШ ТЕННИСЧИЛАР ГАЛАБАСИ БИЛАН ЯКУНЛАНДИ.

Ўсмирлар ўртасидаги яқалликлар финал учрашувида барча рақибларини мағлуб этган икки ҳамюртимиз — Сергей Шипилов ва Шогафур Шофайзиев ўзаро куч синашди. Қизқарли ўтган беллашувида омад С.Шипилов томонидан бўлди ва у рақибини 6:4, 6:2 ҳисобида доғда қолдириб, бош совринни қўлга киритди.

Қизлар ўртасидаги яқаллик беллашувида Шаҳзода Хотамова ва Сабина Шарипова ўзини кўрсатди. С.Шарипова ярим финалда турнирнинг энг кучли иштирокисси сифатида бирин-

чи рақамда сараланган россиялик Анна Попугаева билан беллашди. Умидли теннисчимиз биринчи сетда тақрибали рақибасига 2:6 ҳисобида имкониятни бой берган бўлса-да, кейингиларида бор маҳоратини ишга солиб 6:2, 6:2 ҳисобида зафар қўчди ва финалга йўлланма олди.

Шаҳзода Хотамова эса иккинчи ярим финалда яна бир россиялик теннисчи Юлиана Воробьевага қийинчиликсиз мағлубиятга учратди — 6:1, 6:3.

Ўзбек теннисчилари иштирокидаги финал учрашувида Сабина Шариповага нисбатан бироз тажрибалироқ бўлган Шаҳзода Хотамова ўйинда 6:4, 1:6, 6:3 ҳисобида зафар қўчиб, халқро турнир голибаси бўлди.

Шаҳзода Хотамова жуфтликлар ўртасидаги финал баҳсида Исроиқдан келган Лиат Зиммирман билан бирга қозоғистонлик Комила Рафкат ва россиялик Юлиана Воробьева дуэтини 6:1, 6:2 ҳисобида доғда қолдирди.

Ўсмирлар ўртасидаги жуфтлик беллашувида ўзбекистонлик Пулат Бобоқонов ва россиялик Илья Осинцев жуфтлиги голиб чиқди.

Мусобақалар

АҚЛ-ЗАКОВАТ БЕЛЛАШУВЛАРИ

ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, АҚЛАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИДА ТУРЛИ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИНГ ЎРНИ КАТТА. АЙНИҚСА АҚЛ-ИДРОК, КЕНГ ТАФАККУР, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН СПОРТНИНГ ШАХМАТ-ШАШКА ТУРИ БЎЙИЧА ЎТҚАЗИЛАДИГАН МУСОБАҚАЛАР БОЛАЖОНЛАР КАМОЛИДА ҲАР ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИЛИГИ БИЛАН МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.

Шу маънода куни кеча Тошкент шаҳар шахмат федерацияси томонидан 9 кун мобайнида ўтказилган катта спорт тадбирлари фикримиз далилидир. 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган спорт иштирокчиларини қамраб олган ушбу мусобақада шахмат фидойилари бўлган устозлар ёш истеъдод эгалари билан учрашиб, ўзларининг бой ҳаётий тажрибаларидан баҳраманд этдилар, ўзаро фикр алмашдилар.

—Ушбу мусобақани ўтказиш давомида янги-янги истеъдод, иқтидор эгалари, интилувчан ёшларни кашф этдик, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар шахмат федерацияси бош котиб Матлуба Афолаян. — Шунингдек, ўсмир ёшларнинг спортнинг шахмат турига қизиқишини ошириш, фахрий шахматчилар тажрибасини ўрганишга шароит яратиш, ёшларимизни соғлом турмуш тарзига ўргатишга ҳам эътибор қаратилди.

Мусобақа учта гуруҳда ўтказилиб, 5-гуруҳда 2-, 3-тоифали 64 нафар спортчилар куч синашган бўлса, А- гуруҳда кучли 36 нафар 1- тоифали ёш шахмат усталари беллашди. Улар орасида 7 ёшли энг иқтидорли Ортик Ниғматов 5 очко тўплаб ўз маҳоратини намойиш этди ва Эронда бўладиган Осиё биринчилигида иштирок этиб

Ўзбекистон шарафини ўзининг ёш доирасида химоа этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Тимур Игонин, Аъзамхон Азаматхўжаевлар ҳам юқори малакали спортчилар билан беллашиб иқтидор ва имкониятларини намойиш этишди.

Ушбу мусобақада 8 очко тўлаган Антон Белий биринчи ўринни, фахрий Тимур Измаилов эса иккинчи ўринни эгалладилар. Учтинчи ўрин 14 ёшли Роман Голубевга насиб этди. Энди у Республикаимиз шарафини Осиё биринчилиги мусобақаларида химоа қилади.

Ҳар тарафлама фойдали ва қизиқarli ўтган ушбу мусобақанинг 3- гуруҳида аёллар куч синашиб унда биринчи ўрин Лидия Захарова, иккинчи ўрин Маржона Афолаянга ва кейинги ўринлар бошқа билимдон спортчиларга насиб этди. Улар ичида 7 ёшли Комила Собированинг иқтидори юқори баҳоланди.

—Ёшларни интеллектуал ривожлантириш, хотирасини мустаҳкамлаб, иродасини чархлашга хизмат қиладиган шах-

РАДЗИВИЛ КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБАСИ

РОССИЯДА ЕНГИЛ АТЛЕТИКА БЎЙИЧА ЎТҚАЗИЛАЁТГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ СПОРТЧИЛАРИ КАТОРИДА ҲАМИЮРТИМИЗ СВЕТЛАНА РАДЗИВИЛ ҲАМ МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТМОҚДА.

Баландликка сакраш бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпиони С.Радзивил Россиядаги аънавий халқро турнирда 193 сантиметр беландликка сакраб, мусобақанинг кумуш медалига сазовор бўлди.

Эслатиб ўтамиз, Хитой пойтахти Пекин шаҳрида бўладиган навбатдаги ёзи Олимпиада ўйинларига тайёргарлик қўраётган Светлана Радзивил яқинда Тошкентда енгил атлетика бўйича ўтказилган мусобақада 198 сантиметр баландликка сакраб, мамлакат рекордини ўрнатиб Баробарида «А» тоифали олимпия меъерини бақарди.

ВЛАДА КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

ТУРКИЯДА ХАЛҚАРО ТЕННИС ФЕДЕРАЦИЯСИ (ИТФ) ТОМОНИДАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ЎТҚАЗИЛАЁТГАН ХАЛҚАРО ТЕННИС ТУРНИРИДА ВЛАДА ЕКШИБАРОВА ЮРТИМИЗ ШАРАФИНИ МУНОСИБ ҲИМОА ҚИЛМОҚДА.

Моҳир теннисчимиз биринчи босқичдаги дастлабки учрашуви Грузиядан келган Манана Шапакидзега қарши ўтказди. Кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган беллашувида рақибасидан ҳар томонлама устунлигини исботлаган ўзбекистонлик ракетка устаси 6:3, 6:7, 6:4 ҳисобида галаба қозониб, навбатдаги босқичга йўлланма олди.

Халқро турнир голиб ва совриндорлари 22 июнь кунни ўтказиладиган финал учрашувида аниқланади.

Боҳир БЕК



мат мусобақаларини ўтказишимизда фахрийларимиз катта ёрдам бериб келмоқдалар, — дейди Матлуба Афолаян. — Саб-ҳаракатларимиз натижалари эса келгусида ўзининг ижобий натижаларини беришига ишонимиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТДА: бўлиб ўтган шахмат мусобақаларидан лавҳа.

Алексей Попов олган сурат.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР !

2008-2009 йилги иситми мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2008 йилнинг 1 июлдан 25 июлигача истеъ- молчиларни иссиқ сув бўйича чекламасдан Тошкент шаҳрида қувурлардан фойдаланишнинг гидравлик хусусиятларини ва иссиқлик ташувчи муҳитнинг энг юқори ҳароратини аниқлаш бўйича иссиқлик тармоқларини синаш ўтказилади.

1-ИМ (М-1) 17 июл кунини — М.Улугбек, Э.Отахонов, Боғишамол, Кодиров, Дўрмон йўли, Мўминов, Зиёлилар кўчалари, Яланғоч, Бўз-1 турар жой мавзелари, ТошГРЭС қўргони кичик Халқа йўли.

1-ИМ (М-4) 17 июл кунини — Буюк Ипак йўли, М.Улугбек, Э.Отахонов, Кори Ниезов, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Оққўрғон, Кичик Халқа йўли, Му- стақиллик шоҳкўчаси, Дўрмон, Кичик Халқа йўли, Зиёлилар кўчалари, Тошселимаш, Риёзий, Тама- рахоним, Мирзакалон Исмоилий, Паркент турар жой мавзелари, Х.Олимпон майдони.

2-ИМ 8 июл кунини — Т.Малик, Авайхон, Матко- булов, Ш.Бурҳонов, Феруза, Миришкор, Ҳамро- ев, Убайдуллаҳўжаев кўчалари, Корасув-1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Геофизиклар қўргони, Бўз-2 турар жой мавзелари.

3-ИМ 1 июл ва 16 июл кунлари — Беруний, Ўзбекистон, Кичик Халқа йўли, А.Хўжаев, Фурқат, Кичик Халқа йўли, Самарқанд дарвоза кўча- лари, Навоий, Абай ва Б.Зокиров, Афросиёб, Халқлар Дўстлиги шоҳкўчалари, Чорсу, Коратош, Беруний, Олмазор, Бешёғоч, Марказ-10,14,11, Марказ-26, 27,28, Б-1, Б-2, Б-3, Қорақамиш-2/1,2/2 турар жой мавзелари, Навоий, Халқлар Дўстлиги, Абай ва Б.Зокиров, Афросиёб шоҳ кўчалари.

4-ИМ (М-0) 2 июл ва 18 июл кунлари — А.Те- мур, Кичик Халқа йўли, Бодомзор йўли, Осиё, Боғишамол, Кичик халқа йўли, Хуршид, Бодом- зор, Шахристон, Чинобод, Х.Олимпон, Амир Те- мур шоҳкўчаси, Бодомзор йўли кўчалари, Х.Олим- жон майдони, Марказ-1, 5, 6-мавзелари.

4-ИМ (М-1) 14 июл кунини — асанов, Ф.Фуллом, Шамсутдинов, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, А.Кодиров, А.Хидоятлов кўчалари, Марказ-17,18 (Себзор), Тахтапул, Марказ-12,13,15, Қорақамиш-

1/1,1/2,1/3,1/4 мавзелари.

4-ИМ (М-4,8) 16 июл кунини — Юнусобод мавзе- си 1-19-дахалар, Бодомзор мавзеси, А.Темур, Мойқўрғон, А.Дониш, Муродов, М.Мирзаев, Юну- собод, Соҳибкор, Т.Зоҳидов, Шахристон, Чино- бод, Учқоҳрамон, Амир Темур шоҳкўчалари.

5-ИМ 2 июл ва 14 июл кунлари — Чилонзор мавзеси 6-12, Марказ 9га, 16-20А, 26- даҳалар, Домбробод, Оқтепа, Кизил шарк, Гулистон, Ал Хоразмий мавзелари, Заргарлик, Муқимий, Ки- чик Халқа йўли, Чўпонота, С.Мираҳмедов, Нақ- қошлик, Новаз-Қозиробод кўчалари.

6-ИМ 3 июл ва 15 июл кунлари — Мунис, Янги кўйлик, Бехтерёв, Янгизамон, А.Фитрат, Фаргона йўли кўчалари, Қўйлик — 1-7, Қўйлик- Айланма йўл турар жой мавзелари.

7-ИМ 7 июл кунини — Лисунов, Шолохов, Бир- лашган, Элбек, Слоним, Қурувчилар, Оҳангарон шоҳкўчалари, "Галабининг 40 йиллиги"-1,2,3,4, ДСК-1, Слоним-1,2-мавзелари, "Авиакўрувчилар" шаҳарчаси худуди.

8-ИМ 7 июл кунини — Сергели-1-8А, Йўлдош ша- ҳарчаси-8,15,16,17, Дўстлик-1,2 турар жой ма- взелари, Янги Сергели йўли, М.Алавия, А.Ахма- това, Қипчок, Давлатобод, Чинор, Дўстлик, Мир- зо Турсунзода, Жаҳонаро, Қўргонтепа кўчалари.

9-ИМ 18 июл кунини — Чилонзор мавзеси 13-15,15А, 21-24,30,31 даҳалар, Кизил шарк, Ал-Хо- размий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон мавзелари, Фозилтепа, Такачи, Ширин, Лутфий кўчалари.

10-ИМ 3 июл ва 15 июл кунлари — Фаробий, Беруний, Мухбир, Мирзо-Ғолиб, Чимбой, Қамар- нисо кўчалари, Шифокорлар шаҳарчаси, Талаба- лар шаҳарчаси, Чимбой, Жарарик, Қорақамиш — 2/2,2/3,2/4,2/5, Тансиқбоев-1,2,3, ТошДУ — Тош- ПИ, Олимпия, Ибн-Сино-1,2, Бел-Тепа микроту- манлари.

ИЭМ (М-0) 11 июл ва 25 июл кунлари — Бобур, У.Носир, С.Мираҳмедов, Арнасой, Ш.Исло- мов, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўча- лари, Ц-7, Чилонзор-1,2,3,4,5, Е,И мавзелари, Навоий, Рашидов шоҳкўчалари.

ИЭМ (М-5) 10 июл кунини — Бобур, Глинка, Афросиёб, Шахрисабз, Нукус, Буюк Турон, Бу- хоро, Истиклол, С.Азимов, Матбуотчилар, С.Ба- рака, Сайилгоҳ, Элбек, Муस्ताфо Камол ота Турк, Я.Фулломов, Ц-1, Ц-2, Ц-4, Ц-5, Амир Темур шоҳ кўчаси, Т.Шевченко, Шахрисабз кўча- лари

ИЭМ (М-5,8) 23 июл кунини — Бобур, Глинка, Афросиёб, Шахрисабз, Нукус, С.Талипов, Буюк Турон, Бухоро, Истиклол, С.Азимов, Матбуотчи- лар, С.Барака, Сайилгоҳ, Элбек, Муस्ताфо Камол ота Турк, Я.Фулломов, Ц-1, Ц-2, Ц-4, Ц-5, Амир Темур шоҳ кўчаси, Т.Шевченко, Шахрисабз, Ки- чик Халқа йўли кўчалари, Қушбеги, Бошлик, Авиа- созлар шаҳарчаси турар жой мавзелари

"Водник" қозонхонаси 4 июл кунини — "Водник" мавзеси, Х.Бойқаро кўчаси **"ТТЗ" қозонхонаси 9 июл кунини** — ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий мавзела- ри, Ахиллик, Гулсанам, Юзработ, Буюк Ипак йўли кўчалари

"Саноатэнерго" қозонхонасининг таъсир дои- расида 8 июл кунини иссиқ сув таъминоти бўлмайд- ди.

"Саноатэнерго" қозонхонаси 8 июл кунини — Қурувчилар мавзеси **Қувурларнинг шикастланиши ва тешилан жойлардан сув чиқиси мумкин бўлиб, ҳай- довчилар ва пидедалардан эҳтиёт бўлишлари талаб қилинади. Ноодатий ҳолларни сези- шингиз билан 281-32-32 телефони орқали ха- бар қилишингизни сўраймиз.**

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ 2008 ЙИЛ 23 ИЮНДАГИ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН БАНКРОТ ДЕБ ТОПИЛГАН: хамда уларга нисбатан тугатишга доир ишлар бошланган корхоналар рўйхати:

№	Корхона номи	Мақом	СТИР	Рўйхатга олинган ҳарор саниса ва рақами	КТУК (ОКПО)	Хўжалик судининг «Банкрот» деб топилган қарор рақами ва санаesi	Тугатиш бошқарувчиси
1	AZIZBEK-QURUVCHI	ХФ	203429786	09.11.00 1736	17858945	10-0813/7181 23.06.08	Абдурахимов С.
2	ILHOM PLYUS BIZNES	МЧЖ	300119507	08.01.07 002285-03	21564280	10-0813/7182 23.06.08	Қарабаев А.
3	OSKAR OMAD	МЧЖ	300481312	12.06.07 002596-03	22015309	10-0813/7183 23.06.08	Қарабаев А.
4	VILTERMA VESTA	МЧЖ	300469088	30.05.07 002564-03	21885103	10-0813/7184 23.06.08	Қарабаев А.
5	AVAZBEK-QURUVCHI	МЧЖ	205643235	26.04.05 000917-03	20223423	10-0813/7185 23.06.08	Абдурахимов С.

Мақзур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак тамплари. Шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2008 йил 7 июлда ўтказилади. Банкротликка оид тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторлар давволари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 23а-уй, 603-хона. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 13 июндаги 10-0813/7516 сонли ажримига асосан «ТРАНСМЕХАНИЗАЦИЯ» хусусий корхонасини банкрот деб эъти- роф этишга оид иш юритилиб, унга нисбатан қузатув жараёни бошланди. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 2008 йил 3 июлда соат 11-00 да Тош- кент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23-«а» уйдаги 602-хонада ўтказила- ди ва қузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2008 йил 14 июлда соат 16-00да Тошкент шаҳар хўжалик судининг 3-суд мажлиси залида кўрилади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ
Буюртма Г-506

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 3240 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масаллари бўйича турар жойлардаги почта будимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди на саҳифаланди.
«Шарк» нашрий-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 3 4 5 6